

Беруний туманида инновацион клиника иш бошлади

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида “Доктор Максудова инновацион клиникаси” офтальмология ва диагностика марказининг очилиш маросими бўлди.

Бу ҳақда Беруний тумани ҳокимлиги ахборот хизмати ЎзА мухбирига маълум қилди.

Тадбирда туман ҳокими А.Сапарбаев, клиника таъсисчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими З.Максудова, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазири И.Абдураҳмонов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раисининг биринчи ўринбосари Ж.Казбеков, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири О.Ҳамроев сўзга чиқиб, аҳолини янги клиниканинг очилиши билан қутлади.




Image not found or type unknown

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ташрифи давомида ўтказилган мажлис баёнига асосан 2019 йилда Беруний туманида лойиҳа қиймати 11 миллиард сўм бўлган хусусий офтальмология ва диагностика маркази ташкил этиш белгиланган эди. Юртимизда хусусий тиббиёт ривожи учун кенг имкониятлар яратилди.


Кўпгина тиббиёт тараққий этган мамлакатларда қўлланилаётган илғор инновацион тиббий технологияларни мамлакатимиз тиббиётида жорий этишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу мақсадда туманда ўз фаолиятини бошлаётган

“Доктор Максудова инновацион клиникаси” офтальмология ва диагностика марказида замонавий тиббиётнинг энг сўнгги услубида даволаш ва жарроҳлик жараёнлари олиб борилади.

Клиникада телемедицина маркази ҳам ташкил қилинган бўлиб, эндиликда бевосита чет элларнинг малакали шифокорлари билан ҳамкорликда тажриба алмашиш имконияти яратилди.



Бу ерда аҳолига офтальмология ва диагностика, стоматология, ЛОР-комбайн, гинекология-видеоколпоскопия, кардиология, ЭКГ, УЗИ каби хизматлар кўрсатилади. Клиникада 10 нафар малакали шифокор ва 18 нафар ишчи ходим фаолият олиб боради. Ўрнатилган технологик ускуналар-АҚШ, Япония ва Германия давлатларидан олиб келинган.



Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатларини таъминлаш, фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлашга, уларнинг ҳаётдан, бугунги давр ислоҳотларидан рози бўлиб яшашига хизмат қилмоқда.

Тадбир иштирокчилари янги клиникада яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар.

Довуд АБИБУЛЛАЕВ, ЎзА